

**ШАҲНОЗА ТУРСУНОВА**

# **ЮРТИМ ТОНГИ**

**Шеърлар ва ҳикоя**

**Тошкент**

**«Янги аср» излоди**

**2004**

84(55)6-3

«Бу бўстон сағнида гул кўп, чаман кўп» — буюк ҳазратимиз Алишер бобомизнинг бу пурҳикмат, доно сўзларинамг маъносини, магзини бир тақимиг-а! Шу боисдан ҳам шеърият чаманининг, адабиёт бўстонининг бағри кемг, дунёси битмас-туганмасди!

Сурхондарёлик ижодкор қизимиз Шаҳноза Турсунова адабиёт ва санъатга кўнгил қўйган, устозлардан сабоқ олиб, шеърий машқлар билан ҳам шугулланади. У ўз юртими, гўзал табиатни, мураббийлари, меҳрибон оиласини дилдан кўйлашга интилади, элу юрти шашқида ёниб шаётганд инсонларга шеърлар бағишлайди, улар меҳнатини, ҳаётини улуглайди.


Масъул муҳаррир  
Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ, Ўзбекистон ҳалқ шоюри

Тўплам Деония туманинадаги «Лочин» фермер  
хўжалиги ҳомийлигидан чоп эталди

10 31137  
00 81

ISBN 5-633-01681-5

©Шаҳноза Турсунова. «Юртим тоғиги»,  
«Янги аср авлоди» 2004 й.



VO

## ЙҮЛИНГ ЁРУФ БҮЛСИН

Адабиёт шундай улуг даргоҳки, унинг эшигидан бир бор мўралаб қўйишни орзу қўлмаган инсон топилмаса керак. Лекин, афсуски, бу даргоҳ останоасидан ҳатлаб ўтиш ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Бу остано шу қадар муқаддаски, ундан фақат соғ вижедонли, ўқиб-ўрганиши ва тинимсиз машқдан эринмайдиган инсонларгини ҳатлаб ўта олади. Мутолаани кундалик эҳтиёж санаган, ҳузур-ҳаловатдан кечиб, Шарқ ва Farb адабиётини мукаммал ўрганишига ўзида куч топа олган одамдангина келажакда шоиру ёзувчи чиқиши мумкин.

Мен Шаҳнозониг ижодий машқларида ани шундай юксак парвозларга шайлик, билимга, ўқиб-ўрганишига интиқликни кўраман. Энг муҳими, унинг шеърларида кўнгилга таскин берадиган бир ишқлик бор. Ундаги табиат тасвири, мантиқ бутунилиги, соддатик, ўй-мулоҳазаларга эркинлик берши каби хислатлари мақтова-га лойиҳ. Шаҳноза ҳали ёш – эндишича 16 баҳорни қаршилади. Ҳали маҳорати ортади, туйгулари тиниқлашади. Энг асосийси – изланнишдан чўчимаслик. Ишонаманки, Шаҳнозада бунга иро-да ҳам, ўқтидор ҳам етарли.

Тоштемир ТУРДИЕВ,  
филология фанлари номзоди, Ўзбекистонда хизмат  
кўрсатган маданият ходими

## **ОНАЖОН ДУНЁ**

Күұна дунё, феълинг бунчалар кенгдир,  
Меңрингдай чексиздир тоғлар, уммонлар,  
Күйнингдан барига жой бердинг, аммо  
Айт, сенга сигарми ҳасрат-армонлар?

Гоҳида бузилар осуда кунинг,  
Бунинг сабаби не, била олмадим.  
Ахир, сен Она-ку, қайси фарзандинг  
Бағрингни қон қилас, тушуна олмадим.

Болам, деб атайсан барини үзинг,  
Нақот, ўз фарзандинг күтарса құлни,  
Бу қандай разолат, бу не жақолат?!

Уят змасми бу, змасми үлим?

Барадла айтаман – мен сенинг боланг,  
Нонкур, жоҳиллардан чекмагин озор.  
Күн келар, ҳисларим пойинингга түкиб,  
Бағрингни гулларга тұлдиришим бор!

## **ВАТАНИМ**

Мен туғилиб ўсан юрт, Ватаним – онажоним,  
Киндик қоним тўкилган, гўзал қутлуғ маконим.  
Сенсан менинг давлатим, ўзинг жону жаҳоним,  
Борим, шоним, Ватаним, жоним – Ўзбекистоним!

Кўзим очиб танидим, сени бир олам, дедим,  
Жон-жонимдан севиб мен онажон, онам, дедим!  
Иймон келтириб дилдан, якка-ягонам, дедим,  
Норим, торим, Ватаним, созим – Ўзбекистоним!

Бул муқаддас тупроқда, айт, не-не замон бўлди,  
Алломишу Барчиной, Рустаму достон бўлди.  
Ҳар гиёҳу, ҳар гардинг қалбларга дармон бўлди,  
Қалбим кўри, менинг кўз нурим – Ўзбекистоним!

Истиқолга стицдинг, мусаффодир осмонинг,  
Меҳнат қиласар ўғил-қиз, мард ва танти деҳқонинг.  
Мадҳингни куйламоқдан чарчамайди забоним,  
Куйим, тўйим, Ватаним, борим – Ўзбекистоним!

## **ЮРТИМ ТОНГИ**

Отади оппоқ тонг ҳур Ватанингда,  
Шабнамлар жилvasи ҳар чаманингда.  
Қуёш бўй кўрсатар гўзал тонгиингда,  
Рангин нурларига чулғанар дилим,  
Ассалом, янги тонг муборак, элим!

Сарин-сарин эсиб турса саболар,  
Анҳорлар бағрида дилкаш наволар.  
Даштига йўл олса дехқон боболар,  
Бу дам, бу манзара сўлимдан-сўлим,  
Янги тонг муборак, ўзбегим – элим!

Дилбар келинчаклар ҳовли супурар,  
Иssiқ қулча ҳиди димоққа урар,  
Субҳидам қўшиғи хуш янграб турар,  
Олтин қалам сари талпинар қўлим,  
Янги тонг муборак, ўзбегим – элим!

## **СУРХОН**

Чўққилари кўкка бўйлаган,  
Бахшилари достон сўйлаган.  
Момолари қўшиқ куйлаган,  
Азиз юртим – Сурхоним менинг.

Боғларида олча гуллаган,  
Гўзаллиқда тенги бўлмаган,  
Термизийлар руҳи қўллаган,  
Азиз юртим – Сурхоним менинг.

Боботогим – виқорим менинг,  
“Дашнобод”да анорим менинг.  
Кўксимдаги туморим менинг,  
Азиз юртим – Сурхоним менинг!

## **ОНАМ АЛЛА АЙТАДИ...**

Онам алла айтади,  
Ухлайди укажоним.  
Аллаларнинг сөҳрини  
Туяди ширин жоним.

Алла айтиб чарчаманг,  
Бешик қошида она.  
Ширин уйқуга кетсин,  
Жажжи синглим Дурдона.

## **АССАЛОМ, КУЗ БОБО**

Келди саратоннинг сўнгти кунлари,  
Чекинмоқда иссиқ, жазирама ҳам.  
Момо ер атрини ёйган мисоли,  
Димоққа куз ҳиди келди субҳидам.

Энди дарахтлар ҳам паришон, маъюс,  
Титроқ шохчаларидан учади ҳазон.  
Гүё дунё бирдан ҳикматга тўлиб,  
Насиҳат бошлаган бобо ушбу он.

Тонгти шудринг, тонгти насим – бир поклик,  
Қуёшда ялтирас олтин мезонлар.  
Сизда не маъно бор, қандай ҳикмат бор,  
Ассалом, куз бобо, барги ҳазонлар!

## **ОҚ ПАХТА**

Оқ пахта, оппоқ пахта,  
Очилибсан бүнчалар.  
Даламга боққан сайин  
Күз қамашар шунчалар.

Пахта терсам, этагим  
Тўлиб кетар бир пасда.  
Синфдошлар ҳорма, дер,  
Дугоналар ҳавасда.

Пахтадир бойлигимиз,  
Юксалар эл хирмони.  
Менинг ҳам ҳиссам бордир,  
Тўкиндири дастурхони.

## **ИСЛОМ БОБО**

Мустақил Ватанимнинг  
Сарбони Ислом бобо,  
Ўгитлари маъноли,  
Сузлари оҳанрабо.

Ўйлар фақат бизларни,  
Келажагим сизлар, дер.  
Ҳар жабҳада етакчи  
Бўлинг, ўғил-қизлар, дер!

Эл баҳтина, тинчин ўйлаб,  
Дадил қадам ташлайсиз.  
Ватаним деб, халқим деб,  
Мудом ёниб яшайсиз.

Кўзингиз қарогимиз,  
Дилингиз чарогимиз.  
Баҳтимизга, бобожон,  
Омон бўлинг ҳар қачон.

## АËЛЛАР

Нигоҳларим изи қолди пойларида,  
Учиб кетди ҳаволарга хәэлларим.  
Күзин ёши даре бўлди сойларида,  
Остонаси тилло бўлган аёлларим!

Кўнглингизда чексиз сабр-қаноат бор,  
Ҳар бир қилган ишингизда шижоат бор.  
Нур ёғилган юзингизда саодат бор,  
Садоқатда танҳо бўлган аёлларим!

Сой бўйида таъзим қилган мажнунтол ҳам,  
Маъсумликни сиздан олган, йўқдир шубҳам.  
Қаршингизда Ой ҳам хира тортар бу дам  
Гўзалликда якто бўлган аёлларим!

## ОНАЖОН

Онаジョン, сиз менинг жону жаңоним,  
Сизсиз яшолмасман бир лаңза, бир он.  
Сиз билан ҳаётим, танимда жоним,  
Бўлсин баҳтимизга бошингиз омон.

Рўзгор юмушлари ҳоритмасин ҳеч,  
Бизни деб югуриб-сласиз кун, тун.  
Фикру ёдингиздан қўймайсиз бизни,  
Кўриб камолимиз бўласиз мамнун.

Бир умр уйнимиз чароги бўлинг,  
Ҳеч қачон кўрмайлик қўзингизда ёш.  
Меҳрингиз бор экан, мунаvvар олам,  
Гўё биз ер бўлсак, сиз мисли қуёш.

## **УКАЖОНИМ**

Сўзларидан бол томар,  
Тиллари-чи, асал, қанд.  
Менинг эркатой укам,  
Доним ўйин билан банд!

Кетар чоғи боғчага  
Хайрлашар биз билан.  
Кун ботганда салом, деб,  
Қайтар ёруғ юз билан.

Ўзи кичик бўлса ҳам  
Зеҳни-чи, ўткир жуда!  
Год шеър ўқир, гоҳида  
Кўшиқлари ажхида.

Дадамнинг эркатойи,  
Азиз укажонимиз.  
Алманинг ширинтойи,  
Бизнинг меҳрибонимиз.

## САЙР

Сангардақда сайр этдік,  
Күнгил бўлди чароғон.  
Шаршара шовуллаши  
Эсимдан чиқмас ҳамон.

Тонгда булбул хонишин  
Илк бор эшиздим шунда.  
Дадам гулханлар ёқди,  
Гўзал, сеҳрли тунда.

Болалик шавқи билан  
Тошдан-тошга сакрадик.  
Елдек чопишин кийик  
Биринчи бор кўргандик.

Кушлар сайрайди тинмай,  
Кўшигин солиб куйга.  
Укам, синглим яйрашиб,  
Қайтдик қишлоққа, уйга...

## ЯНГИ ЙИЛ

Аёз зшик қоқмоқда,  
Қор ёғади мұттасил.  
Күнгилларни шод этиб,  
Кириб келар янги йил.

Көңг майдонда қорбўрон  
Үйнашади болалар.  
Катта Қорбобо ясаб,  
Қувнашади болалар.

Қутлуг бўлсин Янги йил,  
Сизга, азиз тенгдошлар,  
Барчамизга тинчлигу  
Бахт келтирсин, юртдошлар.

## ЭСЛАЙСАНМИ, ДҮСТИМ

Эслайсанми, дүстим, биз юрган боғлар,  
Биз эккан ниҳоллар дараҳт бўлибди.  
Табиат бағрида шохлар буй чўзиб,  
Баҳор нафасидан гулга тўлибди.

Эслайсанми, дүстим, шу боғ ёнида,  
Бир зилол булоқча кўз очган эди.  
Шивирлаб сўзларди, тинглардик уни,  
«– Ҳаёт, бу ўткинчи, ғанимат», – дерди.

Парво ҳам қилмасдик ҳеч қачон бунга,  
Ҳикматли ҳақиқат эди бу сўзлар.  
У энди дилларда ўчмас хотира,  
Эсласак безабон кўнгиллар бўзлар.

Йиллар ўтиб кетди, бизлар улғайдик,  
Дилда ўзга ташвиш, орзу, армонлар.  
Ҳар замон ёнидан ўтсак шу боғнинг  
Ёдга тушар ёшлиқ, баҳтиёр онлар...

## ШАФАҚДА ҚҮЁШ

Шафакда тумандек туннинг ғубори  
Бу турфа гўзаллик кўркин сўлдирмиш.  
Ҳар ёнда гулларнинг нафис ифори  
Борлиқни ширин бир ҳистга тўлдирмиш.

Осуда тун аста этагин йигар,  
Шудрингли майсага ҳар ён бўйлайди.  
Боғларнинг қўйнида, шоҳда ўлтириб,  
Булбул тонг қўшиғин дилдан куйлади.

Шу онда қуёш ҳам рўйи заминга  
Эриниб ёяди заррин нурини.  
Тонгнинг шаббодаси элтмишdir менга  
Фалакнинг энг ёруғ олтин, дурини.

Бир қара, фусункор боғнинг қўйнидан  
Учмоққа шайланар сен томон япроқ.  
Гўёки мўралар дарахт бўйнида,  
У сени ахтариб кезар бофу роф!

## ЖУМБОҚ

Дарахт, айт-чи, сенинг бахтинг нимада,  
Күз очтан куртак ё ниҳолингдами?  
Осмон, сенинг бахтинг Қүёшми, Ойда,  
Майин нур таратган ҳилолингдами?

Сенингчи, капалак, бахтинг нимада,  
Бир лаңза яшаган ҳаётингдами?  
Булбул, сенинг бахтинг ёниб куйлаган  
Бу дунёда қолған баётингдами?

Кунларнинг кетидан эргашар кунлар,  
Инсон бахтин излар ою йиллардан.  
Ошиқиар бахтии кўргай нимада?  
Икки қалб талпинган, утли дилларда.

Кимгадир бу ҳолат эриш туюлар,  
Бепарво қарайди яна ҳам кимлар...  
Айланар дунё ҳам тиним билмасдан,  
Жумбоқ бўлиб борар гўё бу сирлар.

## **СҮҚМОҚДАГИ ЎЙЛАР**

Аммо нечун йўл юарман,  
Йўлларимнинг чеки кўринмас.  
Ўй-хаёллар йўлдошим бугун,  
Бирон ҳамроҳ менга қўл бермас.

Сўқмоқларнинг ёнида бу дам  
Шивирлайди зилол булоқлар.  
Ой ёритар маъсум чеҳрасин,  
Сулув қизни босар титроқлар.

Сокин туннинг пойида ухлар,  
Сўқмоқдаги ўшал шўх гуллар.  
Дараҳт шоҳларида икки қуш,  
Гўё ёнар оловли диллар.

Шафақ узра аста бўй чўзиб,  
Кўтаради бошини Қуёш.  
Тун қаърига чўка бошлар Ой,  
Юлдузчалар бўлади йўлдош.

## **СОФИНЧ**

Учиб келган дайди шамоллар  
Теракларнинг силайди бошин.  
Шул тераклар ёнида қабр,  
Мен турман тўкиб кўз ёшин.

Бобожоним бу ерда ётар,  
Термуламан қабр тошига.  
Ёзувлари дилимда муҳр,  
Гул қўяман бобом бошига.

Энди сизни излай қаэрдан,  
Осмонларда руҳи-покингиз,  
Гардларингиз кўзга тўтиё,  
Жанинатларда қутлув хокингиз...

Шеър ёзаман, аммо қўлимда  
Титрамоқда мунгли қаламим.  
Нетай, сизни соғинмоқдаман,  
Кўзда ёшим, дилда аламим...

## УСТОЗИМГА

Бу күн сочингизга оқ оралабди,  
Нечундир бу ҳолдан хијолат ўзим.  
Ўша оқ толалар – менинг ташвишим,  
Менинг ўйиммасми, айтинг, устозим.

Сочингиз толаси оқарған сайин,  
Менинг йўлим равон, ёруғ манзилим.  
Ўйлайман, сиз каби соғдил, фидойи,  
Бирор зот бормикан, устоз-муаллим?!

## ЁЛГИЗЛИК

(Масал)

Ёлгиз саҳро қўйнида  
Дараҳт яшнаб турарди.  
Атрофида ҳар куни  
Чивин учиб юрарди.

Сукунат ичидадир  
Забонсиз, саҳро гўё.  
Бирон зот йўқдир унда,  
Ҳаёт бамисли рўё.

Кунлар ўтар шу зайл,  
Топилмас бир дўсту ёр.  
Қариб қолди Чивинвой,  
Унга керак бир дастёр.

Нола қилиб туну кун,  
Қайгуларга чўмди у.  
Нажот кутди, аммо кеч  
Дунёдан кўз юмди у.

Қиссадан ҳисса шуки,  
Ёлғизлик кўп ёмондир.  
Аҳил, иноқлик бир баҳт,  
Дўст, ёри бор омондир!

## ПУШТИ АТИРГУЛЛАР (Хикоя)

Лола онаси билан супермаркетларни айланиб юрар экан, бугун бувисининг түғилган куни эканлигини ўйлаб боши қоттан эди. Ҳали энди етти ёшни қарши олган Лола бувисининг түғилган кунини эслаб қолгани онасини ҳайратта солди. Лола бувиси ва бобосининг эрка набираси бўлгани учун уларга антиқа совға олмоқчи бўлди ва ҳар хил нарса харид қилаётган онасининг кўлидан торта бошлиди.

– Ойижон, тезроқ бўлинг. Ахир, бугун бувимнинг түғилган кунлари-ку. Улар бизни кутиб ўтиргандирлар. Яна уларга совға олиш ҳам ёдингиздан чиқмасин!

– Хўп, қизим, ёдимдан чиқмайди, албатта, совға оламиз. Ҳозир гуллар дўконига кирамиз, бувинг гулларни ёқтиради, – деди онаси.

– Ҳа, айтганча, ойижон, бувим пушти атиргулларни ёқтирадилар, – деб кўшиб кўйди Лола. Шу пайт улар супермаркетдан чиқиб, гул дўконига киришди. Йўл-йўлакай улар суҳбатлашиб кетишиди.

– Биласизми, ойижон.

– Нимани?

– Бобомларнинг фақат пушти атиргулларни ўстиришларини.

– Йўқ.

– Бир куни бувим билан иккимиз бобомнинг гулзорларига кирдик.

– Ростданми? – ажабланиб сўради онаси.

– Ҳа, – сўзида давом этди Лола. – Унда мен ҳали кичкина қизалоқ эдим.

– Ҳали ҳам кичкина қизалоқсан, – деди кулиб онаси.

– Йўқ. Ахир, мен мактабга бораман-ку. Унда мен ҳали мактабга бормасдим.

Шу орада улар гуллар дўконига етиб келишиди.

– Вой, ойижон, мунча чиройли гуллар. Қайси гулдан оламиз? – севиниб сўради Лола.

– Кел, яххиси пушти атиргуллар оламиз, – таклиф киритди онаси.

– Жуда яхши, – деди Лола ҳам.

– Илтимос, мана бу атиргулларингиздан бир даста ясаб беринг, – деди сотувчига мурожаат қилди Лоланинг онаси пушти атиргулларга ишора қилиб.

– Бир дақиқа, – деди сотувчи аёл табассум билан.

– Ойи, кейин нима булганини айтайми?

– Ҳа, айтақол, кейин нима бўлди? – қизиқиб сўради онаси.

– Кейин бобомдан: – Бобожон, нима учун фақат бир хил атиргуллар экканисиз? – деб сўрадим. Бобом:

– Асал қизим, чунки бувижонинг шунаقا гулларни ёқтиради, тушундингми? – дедилар.

– Ҳа, айтганча, ойижон, у ердаги гуллардан узмаслиги учун бобомлар боққа ҳеч кимни киргизмайдилар. Чунки болалар кириб, гуллардан узсалар, гуллар йиглар экан. Улар йигласа, бувимлар ҳам йиглайдилар.

– Бобонг шунинг учун у ерга ҳеч кимни қўймас экан-да, – ажабланиб сўради онаси. Лола тасдиқ ишорасини кўрсатди. Шу орада гуллар ҳам тайёр бўлди.

Сотувчи «Марҳамат, тайёр бўлди», – деб гулларни Лолага тутқазди.

Лоланинг қувончи чексиз эди.

– Ойи, майлими бувимга гулларни мен берсам?

– Майли, оппоғим. Унда ҳозир дадангнинг ишдан келишларини кутамиз ва бувингникуга борамиз.

– Келишдик, ойижон, – деб кулиб Лола ойиси билан дўкондан чиқишиди.

Кечга яқин дадаси ҳам келди. Улар биргаликда бобосининг уйларига кетишди.

Бобосининг уйи меҳмонлар билан тўлган экан. Холалари, тогалари – ҳаммалари шу ерда. Лола дарвозадан кириши билан бувиси томон югурди. Кўлидаги гулларни бувисига тутқазиб деди:

– Бувижон, туғилган кунингиз билан. Мен сизга дунёдаги энг чиройли гулларни олиб келдим.

– Вой, асал қизим, раҳмат. Қаердан билдинг менинг пушти атиргулларни ёқтиришимни? – сўради бувиси.

– Бобомдан эшиттаниман.

Шу чоқ гулзордан бир даста пушти атиргул кўтариб Комил бобо чиқиб келди. Лола кўриб ҳайрон қолди.

– Вой, бобожон, ахир, гулларни узсанг, йиглайди, дердингизку, улар ҳозир йиглашашаётти, – хафа бўлди Лола. Барча кулиб юборди.

Шунда бобоси:

– Қизим, бу гуллар бугун йигламайды. Чунки бувинітә совға қиляпман, – тушунтиришга уринди бобоси.

– Үнда мени алдабсиз-да, гуллар йиглайды деб, – хұмрайди Лола.

Бобоси зса айбини ювиш учун унга ҳам пушти атиргуллар узіб беришни ваъда қилди ва уни үз гулзорига етаклаб кетди.

Ой күкда нур сочиб, түнни ёритиб турибди. Туғилған күн зса ҳақиқий байрамга айланиб кетди. Ҳамма хурсанд. Лола зса дүнедаги зәңг гүзәл гуллар, яъни пушти атиргулларнинг ҳидидан маст бўлиб, ширингина ухлаб ётарди...

## МУНДАРИЖА

Т.Турдиев. Йўлинг ёруғ бўлсин .....	3
Онажон дунё .....	4
Ватаним .....	5
Юртим тонги .....	6
Сурхон .....	7
Онам алла айтади .....	8
Ассалом, куз бобо .....	9
Оқ пахта .....	10
Ислом бобо .....	11
Аёллар .....	12
Онажон .....	13
Укажоним .....	14
Сайр .....	15
Янги йил .....	16
Эслайсанми, дўстим .....	17
Шафақда қуёш .....	18
Жумбоқ .....	19
Сўқмоқдаги ўйлар .....	20
Согинч .....	21
Устозимга .....	22
Ёлғизлик (масал) .....	23
Пушти атиргуллар (ҳикоя)	24

*Адабий-бадиий нацир*

## ШАҲНОЗА ТУРСУНОВА

**ЮРТИМ ТОНГИ**

*Шеърлар ва ҳикоя*

Муҳаррир М.ХУДОЁРОВА

Мусаввир Б.БОЗОРОВ

Тех. муҳаррир В.ДЕМЧЕНКО

Мусаҳид Ҷ.МИНГБОЕВА

Компьютерда саҳифаловчи Е.НАЗАРОВА

ИБ № 3977

Босишга 23.12.2004й.да рухсат этилди.

Бичими 84x108 132. Босма тобоги 0,875.

Шартли босма тобоги 1,47. Адади 1000 нуска.

Буюртма № 308.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.

«Ёшлилар матбуоти» босмахонасида босилди.

700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.